


Закотни эрта бериш ва бошқа томонга олиб бориш жоизми?



12:00 / 04.05.2021 1753

هَذِهِ لَعَلَّ لِي صَيِّبٌ لِّلْأَسَابِغِ لَنَا؛ هُنَّ هَلْ لِي صَرِّ لَعْنٍ
وَبَأْ هَاوِرَ، كَلِّدِي هَلْ صَخْرَفَ، لِحَتْ نَأْلِبِقَ قَدِّصَلِّ لِي حُغَّتْ يَفَمَّ لَسَوِ
أَنَا؛ رَمُّعَلِّ لَقَمَّ لَسَوِ هَذِهِ لَعَلَّ لِي صَيِّبٌ لَنَا؛ هَذِهِ أَوْرِي فَوِ؛ يَذْمُرَّتْ لَأَوْدُوَادِ
أَهَنْ وَطُغِي سَأَنَّ لَنَا كِيٌّ رَاخُ بَلِّوِ، مَأْغَلِّ لِّوَأَلِّ مَأْغَلِّ سَأَبْغَلِّ أَلْزَانْدَحْ أَدَقِ
، نِيْمَوِي لِّوَأَوِ مَوِي لِّبِ دِي لَلِّ بَقِ

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Аббос Набий соллаллоху алайҳи васалламдан закотни вақти келишидан олдин бериш ҳақида сўради. Бас, у зот унга бундай қилишга рухсат бердилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда:

«У зот соллаллоху алайҳи васаллам Умарга:

«Биз Аббоснинг бу йилги закотини ўтган йили олган эдик», деганлар».

Бухорийнинг ривоятида:

«Одамлар у(фитр садақаси)ни ийддан бир-икки кун олдин берар эдилар», дейилган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос розияллоҳу анҳуга закот беришнинг вақти келмасдан аввал уни беришга рухсат этилганидан закотни вақтидан аввал бериш жоизлиги билинади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазрати Умарга айтган гапларидан эҳтиёж тушиб қолгани учун Аббос ибн Абдулмутталлиб розияллоҳу анҳунинг икки йиллик закотларини бир йилда олганлари тушунилади. Демак, бундай қилиш ҳам жоиз экан.

Имом Бухорийнинг ривоятларида сўз фитр садақаси ҳақида кетмоқда. Фитр садақасини ҳайитдан олдин бериш жоиз эканлиги айтилмоқда.

**رِيْمُ الْاَلِاقِ عَجْرَ امْلَفِ، عَقْدُ صِلَايَلَعِ نِي صُحْبَ نَبِ نَارْمَعِ اءَامْلُ اِدْحَا شَعَبَو
اَهُدُخْ اُنْ اُنْ كُ تُثِيْحُ نِم اِهَانْدَحْ اُ، يِنْتَلَسْرَ اَلْاَمْلَلَو؛ نَارْمَعِ لَاقِ؟ اَلْاَمْلَلَا نِيَا
اُنْ كُ تُثِيْحِ اِهَانْعَصَوَو، مَلَسَو. وُهَيْلَعُ هَلَلَا اِلْاَصْرَهَلَلَا لُؤَسْرَرْدَعِ اِلْعِ
دُوَادُ وُبَا هَاوَر. مَلَسَو. وُهَيْلَعُ هَلَلَا اِلْاَصْرَهَلَلَا لُؤَسْرَرْدَعِ اِلْعِ اُهَعَصَن
يَحِيْحِ صِدْنَسَبِ رُوْصَنَمُ نُبُ دُيَعَسَو**

Амирлардан бири Имрон ибн Ҳусойнни садақа олгани юборди. У қайтиб келганида амир унга:

«Мол қани?» деди. Имрон:

«Мени мол учун юборган эдингми?! Биз уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида қаердан олсак, ўша ердан олдик. Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида қаерга қўйсак, ўша ерга қўйдик», деди».

Абу Довуд ва Саъийд ибн Мансур саҳиҳ санад билан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида закот қайси юртдан тўпланса, ўша ернинг закотга ҳақдорларига тарқатиб берилган. Улуғ саҳобий Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳу ҳам шундай қилганлар.

**اِلْاَصْرَهَلَلَا لُؤَسْرَرْدَعِ اِلْعِ اُهَعَصَن
دُوَادُ وُبَا هَاوَر. مَلَسَو. وُهَيْلَعُ هَلَلَا اِلْاَصْرَهَلَلَا لُؤَسْرَرْدَعِ اِلْعِ اُهَعَصَن
يَحِيْحِ صِدْنَسَبِ رُوْصَنَمُ نُبُ دُيَعَسَو**

Абу Ҳилол ас-Сақафий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Сиздан кейин закотдан бўлган битта улоқни ёки қўйни деб қатл қилишимга оз қолди», деди.

У зот алайҳиссалату вассалам:

«Агар у муҳожирларнинг фақирларига берилмаганда, уни олмас эдим», дедилар».

Насайй ривоят қилган.

Шарҳ: Афтидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойдан закотга тушган қўй-эчкиларнинг бир қисмини Мадинаи мунавварага олиб келганлар. У зот жўнаб кетганларидан кейин аҳоли ўртасида жанжал чиққан ва улар вакил бўлган кишига жаҳл билан таҳдид ҳам солишган. У эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб, кўнгилсиз воқеани айтиб берган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга айтган гапларидан маълум бўлмоқдаки, аслида закотни тўпланган жойида тарқатган маъқул. Аммо у жойдан кўра муҳтожроқ жой бўлса, амирнинг бошқа томонга олиб боришга ҳаққи бор.